



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 20 февраль, № 37 (7817)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НАМАНГАН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни Наманган шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Хабарларинг бор, Наманган вилоятининг аввалги ҳокими Хайрулла Бозоров ислохотларимизни амалга ошириш бўйича кўп ишлар қилди. Бу ерда олинган сабоқ ва тажрибани иккинчи вилоятда ҳам қўллаш, одамларнинг бирини икки қилиш учун уни Фарғона вилоятига ҳоким қилди. Энди Наманган вилоятига янги ҳоким тайинлаш масаласини кўриб чиқишимиз керак. Наманганнинг бугунги ривожига муносиб, уddaбурон, халқпарвар, тадбиркорни қўллаб-қувватлайдиган одамни раҳбар қилиб сайлашимиз керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ҳокимларни тайёрлаш ва тайинлаш масъулияти ҳақида гапирди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

— Ҳаёт шундайки, мен ҳар бир вилоятга раҳбар бўла оладиган одамни тўрт-беш йил олдин тайёрлашга мажбурман. Шавкат Абдуразаков Наманган тумани, Наманган шаҳрида ҳоким бўлган, Вазирлар Маҳкамасида департамент мудирини, вазир бўлиб ишлаган. Наманганнинг шароитини, халқнинг дардини, Тошкентдаги кабинетлар эшигини қандай очишни, масалани қандай ҳал қилишни билади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил сентябрь ойидан буён Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажариб келган Шавкат Шокирджанович Абдуразаков номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

Ш.Абдуразаков 1976 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Вилоят ҳокимлиги, давлат мулки бошқармаси, Вазирлар Маҳкамасида масъул лавозимларда ишлаган. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси бўлган.

Халқ депутатлари, нурунийлар, аёллар, ёшлар сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Шавкат Абдуразаков Наманган вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Наманган вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш биринчи муҳим вазифа эканини таъкидлади. Маҳаллабай тизимда тадбиркорликни ривожлантириш учун 850 миллиард сўм кредитлар ажратишга кўрсатма берилди.

Шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан вилоятга 60 миллион доллар ажратилиши айтилди. Бунинг ҳисобидан Наманган шаҳри иссиқлик тизимини қайта қуришга 15 миллион доллар, эски шаҳар инфратузилмасини яхшилаш ва каналлар қирғоқларини ободонлаштиришга 10 миллион доллар, маҳаллалардаги драйвер лойиҳаларни молиялаштиришга 10 миллион доллар, лимончиликни ривожлантиришга 10 миллион доллар йўналтирилади. Кичик ва ёшлар саноат зоналарига, ички ва зиёрат туризмни ривожлантиришга, кредитлар фоизининг бир қисmini қоллашга 5 миллион доллардан берилди.

Наманган вилоятида 2021-2022 йилларда умумий қиймати 23 триллион 700 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши қайд этилди. Ушбу 1 минг 728 та лойиҳа орқали 66 мингдан зиёд иш ўринлари яратиб режалаштирилган.

— Наманганга ўттиз йиллик тарихда бунча маблағ келмади. Агар шунинг тўғриси, самарали йўналтириб ишлатсак, вилоятнинг иқтисодиёти жадал ривожланади, ҳамма туманларга саноат кириб боради, одамлар ишли бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экинлар тарқатиш ўзлаштириш муҳим

лиги таъкидланди. 17 минг гектар ер ажратиб, 200 минг нафар ёш, пахта кластерлари томонидан ҳар бир туманда тикувчилик корхоналарини ишга тушириб, 10 минг нафар аёл бандлигини таъминлаш вазифаси белгиланди.

Янгиқўрғон картошкачилик маркази, Венгрия билан ҳамкорликда картошкачилик йўналишида илмий-тадқиқот институти ташкил этиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил вилоятда 160 километр ичимлик суви ва 11 километр оқова тармоқлари қуриш учун бюджетдан 59 миллиард сўм ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди. Бунинг натижасида яна 167 минг нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Президент нима учун маҳаллабай тизимда ишлаш кераклиги ҳақида фикр билдирди.

— Яна бир бор айтаман, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Замон шиддат билан ўзгаряпти. Яққа ягона йўлимиз тўғрилгига ишонч ҳосил қилиш учун биз маҳалладаги вазирларни чуқурроқ билишимиз лозим. Маҳалла раиси бир кунда битта иш жойи яратса, битта маҳаллада 5 та тадбиркор бўлса розиман. Шундай қилса бўладими? Бўлади. Эрталаб барвақт туриб хонадонларга кириб, оғам, иним, қизим, ўғлим, биродарим ёки сенга оҳақ, уйингни оқлаб кўйгин, тозалаб қўйгин баранга қиради, болаларингни ўқишга вақтида жўр, десин. 50 минг гектар ерни халқимизга қайтариб бермоқчимиз. Олдинлари минг гектар тўғрисида ҳам гапиролмасдик. 50 мингдан 26 минг гектари Поп туманида. Шунинг халққа, ёшларимизга берсак биримиз икки бўладими,

й ўқми? Биринчидан, ёшларимиз ишли бўлади, иккинчидан, эртага шу ердан олинган маҳсулот бозорга чиқади. Қолаверса, фермер ҳам ўйлай бошлайди, агар бугун мен ишламаса, эртага еримни олиб кўяди, дейди. Бутун дунёда шундай: адолатли рақобат. Наманганда ерга муносабат ўзгарса, маҳсулот ўзгаради. Маҳсулот сифати ўзгарди, бозор арзон бўлади, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан алоҳида суҳбатлашди. Улар айтган тақдирларни, бизнес-режаларини қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

— Ёшларнинг кўзида эртанги кунга ишонч кўрсам, очиги, ҳамма чарчоқларим чиқиб кетади! Мана шундай билимли, жонкуяр, изланувчан ёшлар ҳамма соҳаларда ўзгартириш қилади. Биз уларга кенг йўл очиб, ҳар томонлама ёрдам беришимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясидан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрининг Бунёдкор маҳалласини бориб кўрди. Бу ердаги маҳалла номига зид. Ичимлик суви йўқ, ички йўллари ёмон, атроф ободонлаштирилмаган. Маҳалла идорасининг ўзи ҳам хароб, бино орқасида чиқиндилар ётибди.

Давлат раҳбари маҳалла раиси ва маслаҳатчиси билан мулоқотда бўлди.

— Сизлар одамларни уюштиришингиз, бошқаларга ўрнак бўлишингиз керак. Шу маҳаллада қандай ислохотчи бўласизлар, одамларни қандай эргаштирасизлар? — дея саволлар қўйди Шавкат Мирзиёев.

Президент Наманган шаҳар

ҳокими ва ушбу маҳаллага масъул сектор раҳбари бўлган шаҳар прокурорига ҳам танбех берди.

— Баландров гаплар билан ҳисобот берасизлар. Қандай виждон билан лавозимда ўтирибсизлар?! Бу маҳаллада 12 минг одам яшайди. Аҳволни қаранглар, бу сизнинг юзингиз, — деди давлат раҳбари.

Шу ерга тўпланган аҳоли билан ҳам мулоқот бўлди. Нурунийлардан бири маҳаллада ичимлик суви, табиий газ, ишлаб чиқариш корхонаси йўқлигини, йўллار таъмирми муҳтожлигини айтди.

— Мен шунинг учун келганман, — деди Президент.

Мутасаддиларга зарур муҳандислик тармоқларини тортиб, маҳалладаги шароитларни яхшилаш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида бўлди. Шароитларни кўздан кечириб, бу ерда тарбияланаётган болалар билан суҳбатлашди.

— Сизлар ҳаммаларинг менинг фарзандларимсизлар. Ҳаёт жуда мураккаб. Шунинг билан, бугун оғир кунлар бўлсаям, Аллоҳ таоланинг ёруғ кунлари бор. Сизларнинг қийналганларингиз, оилани эслашларингиз, орзу-умидларингиз ортида Худонинг марҳамати, эртанги кунонч бор. Бу дунёда ким бахтли бўлишни келажак кўрсатади. Сизларнинг бахтли бўлишингиз учун ҳаётларингизга доимий асос яратишни ўйлашимиз. Бир марталик эмас, кўнун жиҳатидан. Бу ерни тамомлагандан кейин уй билан таъминлаб, фаровон яшаётганини кўнун билан химояга оламиз. Тинчлик-осойишталикда сизларнинг бахтингизни кўриш насиб этсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Саховат уйини ҳам бориб кўрди. Унинг биноси 1982 йилда қурилган.

— Менга Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бирдек қадрли. Бугун жуда оғир кун бўлди, кўп масалаларни муҳокама қилдик. Самолётга ўтириб, қайтиш олдиндан кўнглимдан сизлар ўтдингиз. Шу муаммонни ҳал қилмасдан кетаманми, деб ўйладим. Менга Саховат уйларига эҳтиёжи бўлган нурунийлардан жуда кўп хатлар келади. Шуларни инобатга олиб, ижтимоий химояни кучайтирамиз. 4 ой ичида Наманган шаҳрида Саховат уйи учун янги бино қуриб берилади. Сизлар муносиб шароитларда яшайсиз, даволанаёсиз. Сизларга соғлиқ ва узоқ умр тилайман, — деди давлатимиз раҳбари.

Нурунийлар юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига сафари якунига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Ш.АБДУРАЗАКОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шавкат Шокирджанович Абдуразаков** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 февраль

Конунчилик палатаси қўмиталарида

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Унда Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги Фармони билан тасдиқланган "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастури тегишли бандларининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан бажарилишига оид масала муҳокама қилинди.

Тадбирда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги биринчи ўринбосари О. Пекос Давлат дастурида белгилаб берилган жами 32 та банддан иборат барча вазифалар юз фоиз ижро этилганини, бироқ вазирлик бу билан чекланиб қолмасдан Ўзбекистоннинг ахборот-коммуникация инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича ишга олиб борилишини таъкидлади. Шундан сўнг депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ахборот сиёсатини шакллантириш борасида вазирликнинг бевосита ишти-

рокидаги вазифалар ижроси таҳлил қилинди.

Йиғилиш давомида депутатлар ўз сайлов округларида долзарб аҳамиятга эга масалалар юзасидан саволлар берди. Хусусан, қўмита раиси ўринбосари Донийр Ғаниев Марғилон шаҳрида қурилган "IT-Park" етарли интернет теълиги билан таъминланмаганлиги сабабли мазкур марказни тўла ишга тушириб бўлмаётганлигини, бу эса мавжуд резидентларнинг марказдан кетиб қолишига сабаб бўлаётганлигини айтди.



Нигоҳ

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЭЪТИРОФИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ТОБОРА ЯХШИЛАНМОҚДА.

Кейинги йилларда Ўзбекистонимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни тобора яхшиланиб бормоқда. Бу халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ўзига хос эътирофи бўлиши билан бирга, ўзарно ишонч бўлган жойга хорижий ҳамкорлар ва чет эл инвестициялари оқимининг кўпайишини ҳам аниқлади. Демак, рейтинг ҳамда индексларнинг ўрни иқтисодиёт ва бошқа барча соҳада бирдек муҳим.

Ҳўш, шундай экан, охириги йилларда юртимизда айнан халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш борасида нималар қилинди?

Бу йўналишдаги интилишларнинг дебочаси сифатида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазирлар доирасида олиб бориладиган ишларни келтириш мумкин. Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида

лашнинг янги механизмининг жорий қилиш тўғрисида"ги Фармони билан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилганидан кейин эса бу борадаги ҳаракатлар қўла-қўлга олинганлиги, мазкур тузилмага Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлик қилмоқда.



Сенатор ва ҳаёт

ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида адлия вазирининг 2020 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилиши режалаштирилган. Шунга мувофиқ, қандай сенатор Матлуба Фаниева бу йўналишда амалга оширилган ишларни Андижон вилояти адлия бошқармаси ва унинг туман (шаҳар) бўлиmlлари мисолида ўрганилди.

Айни чоғда 2020 йилда ҳуқуқий ахборот тарқатилишининг тизимли тарзда таҳлилдан ўтказилиши, ҳуқуқий тарғибот ишларининг ташкил этилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочилиги етказилиши ҳамда уларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳолига тушутириш бўйича тадбирлар режаси ва унинг ижроси Балкичи ҳамда Андижон туманлари адлия бўлиmlларида қай даражада эканлиги кўздан кечирилди. Қолаверса, халқ депутатлари вилоят ва туманлар Кенгашларига ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифатнинг ҳолати бўйича ахборот тақдим қилиниши масаласи ҳам эътибордан четда қолмади.

Ҳўш, ўрганиш жараёнида нималар аниқланди? Асака тумани адлия бўлиmlида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочилиги етказилиши, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушутириш бўйича тадбирлар самарали ташкил қилинган, манзилли тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинаётгани маълум бўлди.

Андижон ва Балкичи туманлари адлия бўлиmlлари томонидан давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб этган ҳолда, бир қатор ижобий ишлар олиб борилган. Жумладан, ОАВ орқали янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, аҳолини қизиқтирган долзарб муаммоларга оид ҳуқуқий маслаҳат ҳамда маълумотлар бериб борилиши мунтазам йўлга қўйилган. Марказдан узок маҳалларда "Беғул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга" шиори остида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат ва тушутиришлар бериб келинаётгани ҳам эътиборга молик.

Уз навбатида, сенатор томонидан ўрганиш натижалари асосида мутасаддиларга тавсия ва кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра сўхбатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо мамлакатлар билан саноат кооперациясини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2020 йил 11 декабрь куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида ЕОИИга аъзо мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги қўмитани давлат макomini бериш тўғрисида қарорни қабул қилди. Ўзбекистон ўзининг қўмитачилиги давомида бир қатор имкониятларга эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Энг аввало, ЕОИИнинг барча саммитида иштирок этиш ва жорий ислохотлардан бевосита хабардор бўлиш, аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо-

иқтисодий муносабатларни тартибга солиш механизмини, ўзаро зиддиятли иқтисодий муносабатларнинг ҳал этилиши жараёнини қузатиш каби имкониятларга эга бўлади. Ортимида Евроосиё иқтисодий иттифоқида аъзо мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти мавжуд. Маълумотларга кўра, сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасида савдо айланмаси қарийб 75 фоиз ошган. 2020 йил якунларига кўра, Ўзбеки-

стон ЕОИИга аъзо мамлакатлар билан жами товар айланмаси 9,8 миллиард долларни ташкил этган. Шунингдек, ўтган йилда Ўзбекистон ЕОИИга аъзо давлатларга, асосан, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, қора ва рангли металлургия экспорт қилган. Россия, Беларусь, Арманистон ҳамда Қирғизистонга жўнатиладиган товарларнинг деярли 50 фоизи тўқимачилик маҳсулотлари бўлди. Қозғонистонга эса, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари (умумий экспортнинг 30,8 фоиз) экспорт қилинган.

Давра сўхбатида қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги саноатида "PriceWaterhouseCoopers" халқаро консалтинг компанияси билан биргаликда бозор конъюнктурадаги ўзгаришларни, шунингдек, ички ва асосий экспорт бозорларидаги истеъмол

талабининг ўзгаришларини инобатга олиб, маҳсулот турлари номенклатурасини янгилашга қаратилган режа ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Қолаверса, электротехника саноатида "Паст вольты уснулар хавфсизлиги тўғрисида"ги ҳамда озиқ-овқат саноатида Европа Иттифоқи ҳамда ЕОИИ талабларига мос келувчи "Сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида"ги техник регламент ишлаб чиқилган. Фармацевтика саноатида Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари, тиббий маҳсулотлар ҳамда тиббий асбоб-ускуналарнинг умуммаласи соҳасидаги норматив ҳужжатларни ЕОИИ меъёрий ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш режаси тайёрланган ва тасдиқланган.

Шунингдек, тадбирда ЕОИИга аъзо мамлакатлар билан саноат кооперациясини ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Қўн тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА «Халқ сўзи».

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вазирлик мутаассаддилари ўшбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, тез кўнларда "IT-Park"ни етарли даражада интернет тезлиги билан таъминлашга ваъда берди. Қўмитанинг яна бир аъзоси Шухрат Шарафудинов ижтимоий соҳа объектларини кенг қамраб олишнинг тармоғи билан таъминлашга қандай тартибга амал қилиниши билан қўзғиди. Вазирликнинг хосиботига кўра, Ўзбекистондаги ижтимоий объектларнинг 70 фоизи кенг қамраб олишнинг тармоғига эга эмас. Бирок Фаргона вилоятининг Бешиқчи туманида бундай инфраструктура яратилмаган. Депутат Умид Жабборовнинг қайд этишича, Давлат дастурининг 18-бандида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини такомил-

лаштириш вазифаси юклатилган. Вазирликнинг ўшбу банди бажариш бўйича берган хосиботида эса сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчилар рўйхатининг янада самарали ишлатиши учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар режаси лойиҳаси ишлаб чиқилгани ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлангани баён қилиниб, ўшбу банд ҳам "бажарилди" деб баҳоланган. Депутат ахборот тизими ҳолати, ўшбу тизимдан 2021 йил октябрь ойида ўтказилган сайловда фойдаланса бўлиши ёки бўлмагани ҳақида маълумот бериши сўради. Ийгилишида барча депутатлар саволларига жавоблар берилди. Тадбир якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДА ТАКЛИФЛАР ҚИРИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ЎзЛиДеП фракцияси билан ҳамкорликда давра сўхбати ўтказилди.

Унда "Транспорт воситалари эгаларининг мажбурий сўгурта қилиниши доир қонун ҳужжатлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш асосида

муносабат марказида бўлди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг катта қисми тан жароҳатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда юз бераётган бўлиб, статистик маълумотларга кўра, бундай йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 2018 йилда 13 минг 701 та, 2019 йилда 23 минг

246 та ҳамда 2020 йилда 16 минг 23 тани ташкил қилган. Амалдаги қонунчиликнинг йўл-транспорт ҳодисасини ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳодими иштирокисиз расмийлаштириш механизми мавжуд эмас. Натжидада барча йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ишлар суд томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинмагунча қадар фуқаролар мажбурий сўгурта қилиш шартномасига асосан сўгурта товонини олиш имкониятига эга бўлмайдди. Тан жароҳатисиз йўл-транспорт

ҳодисасини ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳодими иштирокисиз расмийлаштириш тартиби белгиланган бўлиши муҳим ҳисобланади. Давра сўхбатида иштирокчилар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасида бир қатор таклифлар берилди. Билдирилган таклифлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинадиган бўлди.

Зиёда АШУРОВА «Халқ сўзи».

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЭЪТИРОФИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ТОБОРА ЯХШИЛАЙМОҚДА.

Ушбу кенгашнинг ўтган йилги фаолиятини қузатиш асосида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланишида мазкур тузилманинг ҳам салмоқли хиссаси борлигини эътироф этиш зарур. Бунга қўлла мисоллар келтириш мумкин. Дастлаб соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чоралари қўрилди. Зеро, ҳуқуқий замин қанча мустаҳкам бўлса, шундагина ривожланиш, тараққиёт қузатилади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид халқаро рейтинг ҳамда индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2020 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига кўра, вазир-

ли орасида очик маълумотлар манбалари сони бўйича 6-ўринни эгаллади. БМТнинг "Электрон ҳуқуқат қузатуви 2020"нинг "Очиқ давлат маълумотлари индекси" бўйича Ўзбекистон нуфузли 41 талиқдан жой олди. "Очиқ маълумотларни қузатиш" индексида эса 125 поғонага қўрилди, 44-ўринни банд этдик. Ушбу индексда Ўзбекистон Марказий Осий давлатлари орасида 1, МДХ мамлакатлари орасида 3-ўринни эгаллагани

"Глобал инновациялар" индекси бўйича 100 баллдан 24,54 балл билан 2015 йилдаги ўрнини 29 поғонага яхшилаб олди.

Ўтган йилда Ўзбекистон қатор нуфузли халқаро рейтинг ва индексларда — Бошқарув сифати индикаторлари, Электрон ҳуқуқатни ривожлантириш рейтингига, Инсон камолати, Инсон

эса барчамизни худудларининг ҳуқуқ устуворлиги миллий индекси ишлаб чиқилиб, манзилларда унинг мазмун-моҳиятини тушутириш ишлари изчил олиб борилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида "Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Шунингдек, ҳозирги пайтда Сенат, унинг органлари ва сенаторларни ҳамда давлат органлари масъул ходимларини мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ҳамда индекслардаги кўрсаткичларига доир ахборот билан таъминлаш мақсадида услубий дўрамалар тайёрлаш иши давлат эътирилайтганлигини ҳам айтиш ўринлидир.

Қолаверса, беш йиллик танаффусдан сўнг юртимиз

капитали ва Трансформация индексларида ўз ўрнини яхшилашга муваффақ бўлди, бунинг замирида ҳам катта охираб етганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Шуларга мос равишда халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирокида 20 дан ортиқ семинар, учрашувлар ҳамда "II Халқаро рейтинглар форуми" ўтказилгани эътиборга молик. Айни чоғда биз учун устувор бўлган рейтингларни ўзида мўжассам этган "Ўзбекистон халқаро рейтингларда" ягона портали ишга туширилди. Натжиалар сай-ҳаракатларга яраша бўлганини ҳам мамнуният билан айтмоқчимиз. Масалан, 2020 йилда мамлакатимиз ўрни 3 та халқаро рейтингда илк марта баъза эътироф этилди. "Open data Inception" ташкилоти таҳлилларига кўра, Ўзбекистон жаҳон давлатла-

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, халқаро рейтинг ва индекслар шунчаки рақамлар ёки натижалар эмас. Аксинча, унинг моҳиятида Ватан раванки ҳамда халқимиз фаровонлигига тегишли бўлган катта маъно мўжассам. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам ўшбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирялмиз. Мақсадимиз Ўзбекистонимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини янада яхшилаш орқали халқимизга муносиб хизмат қилишдан иборат.

Анвар ТҲИЧЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Таълим ва тарбияни бугун кичик ёшдан болага сингдириш муҳим вазифа бўлиб, болалар боғчаси асосий бўғиндир. Мактабгача таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишдек улўғвор мақсад мўжассам. Ҳўш, вилоятларда мазкур йўналишда қандай ишлар бажарилмоқда?

Қонун ва ижро

Айни кўнларда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раисини Одилжон Имминов бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси, мактабгача ёшдаги болаларнинг қамровини ошириш борасида Сурхондарё ва Қаш-

қадарё вилоятларида қилинаётган ишлар ҳолати ўрганилмоқда. Жараёнда Қонун ижроси, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилар учун яратилаётган шароитлар, давлат-ҳусусий шериклик асосида ва оилавий ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти билан танишилятир.

Хусусан, ишчи гуруҳи томонидан Сурхондарё вилоятининг Ангор, Бойсун, Сароисий, Музработ, Термиз ҳамда Узун туманлари, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ва Чироқчи туманлари ҳамда Шаҳрисабз шаҳрида мактабгача ёшдаги болаларнинг боғчаларга қамраб олиш даражаси, давлат-ҳусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга қаратилган механизмларни жорий этиш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, масъул мутасаддиларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди. Ҳўганиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Нуқтаи назар

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг масъулияти катта. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари фаолияти ҳам бежиз йўлга қўйилмаган. Бу комиссия низо чиққан оилаларни яраштириш, муроғаса келтиришда фуолик кўрсатиши лозим. Лекин у бундай масъулиятли вазифани ундадай оялтипти, деган савол туғилиши табиий. Бунга "ха" деб жавоб бериши анча мушкул. Сабаби унинг оилани яраштириш имкони бўлмагани ҳақидаги хулосаси олинганда кейин эр ёки хотиннинг судга мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Аммо шунга қарамай, ўшбу институт фаолиятини ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Яраштириш комиссиялари фақат эр-хотинни яраштириш билан шуғулланиб, алимент ундириш, бола билан кўришиб туриш тартибини ёхуд боланинг яшаш жойини белгилаш, мол-мулкни бўлиш, уйга киритиш бўйича, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топил ёки уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш, оталикни белгилаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бошқа оилавий низолар юзасидан келишувга эриштиришни назарда тутмайди. Зеро, эр-хотинлар қонуний никоҳдан ажратилганидан сўнг уларнинг уй-жой ва мол-мулкларини билан боғлиқ ҳуқуқлари ҳақида маълумотга эга бўлмайди. "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган ижтимоий сўрлов натижаларига кўра, яраштириш комиссиялари аъзоларининг 68,7 фоизи комиссияда ишлаш учун ҳеч қандай тайёргарликдан ўтмагани, 61,9 фоиз махсус методик қўлланмаларга ва 20 фоиз оила-ларни яраштириш бўйича керакли билим ҳамда кўникмаларга эга эмаслиги аниқланган.

Яна бир муҳим жиҳат. Оила жамлиги, унинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминловчи, фарзандлар тарбиясини, уларнинг келажаги, жамиятда барча муносабатда аёл ва эркекларнинг тенглигини эътироф этувчи қонун нормалари орасида Оила кодекси алоҳида ўрин тутади. Оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқчилиги, оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши, никоҳ тузишининг ихтиёрийлиги ўшбу Кодекснинг асосий тамойилларидир. Бу тоифадаги низолар бўйича тарафларнинг ярашганлиги сони камайиб кетгани, "Медиация тўғрисида"ги Қонун, асосан, фуқаролар томонидан оилавий низоларни медиаторлар ёрдамида ҳал қилиш ҳолатлари ортмаганидан далолат беради.

"Медиация тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига кўра, профессионал медиаторлар Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган медиаторларнинг тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсида ўқишлар шартли белгиланган. Шундай бўлса-да, мазкур 140 соатлик ўқув дастурида оилавий низолар юзасидан фақат 8 соатлик амалиёт ўташ белгиланган бўлиб, алоҳида ўқув курси назарда тутилмаган. Ваҳоланки, ўшбу институтларнинг самарали фаолиятини таъминлаш орқали қатор ижтимоий муаммоларга ечим топилиши, кўпала оилаларни сақлаб қолиш, эр-хотин ўртасида вужудга келадиган низо-ларни ортиқча маблаб ва вақт сарфла-масдан тинч йўл билан ҳал этиш, никоҳни бекор қилиш оқибатида вужудга келадиган бошқа низолар бўйича судларда тарафларни сарсон қилмаслик имконияти мавжуд. Келинг, хориж тажрибасига эътибор қилайлик. Жумладан, Исроил давлатида белгиланган тартибга кўра, ажрашмоқчи бўлган эр-хотин судга ёки адвокатга боришдан олдин юридик маълумотга эга,

вазифаси эр-хотини оилавий низоларда келишувга эриштиришдан иборат бўлган медиаторга мурожаат қилиши шарт. Швейцария ФПК нормаларида фуқаролик иши судга топширилиши учун албатта, медиация, яъни яраштирув институтига мурожаат қилинган бўлиши лозимлиги, аммо судга қадар ва суд давомиди-даги медиация жараёнида тарафлар истаган вақтида медиация хизматидан воз кечилиши ҳамда ишнинг суд тартибида умумий ҳал этилиши талаб қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда никоҳдан ажратиш билан боғлиқ низоларни судга кўриш тартибини такомиллаштириш, ўшбу тоифадаги келишмовчиликларни судга қадар ҳал қилиш бўйича зарур шароитлар яратиш, оилаларни сақлаб қолишда медиаторлар рол-ли янада кўчатилиши мақсадида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, бунга никоҳдан ажратиш, алимент ундириш, мулкни бўлиш, воёга етмаган фарзандни қимнинг тарбиясида қолдириш, унинг яшаш жойини ва у билан кўришиб туриш тартибини белгилаш ҳақидаги низолар бўйича судга мурожаат этилганда аввал уни судга ҳал қилиш тартиби (медиация)га риоя этилиши шартлигини қонунда белгилашни мисол сифатида келтириш мумкин.

Бунда медиация келишувга эришилган тақдирда тарафлар уни тасдиқлаш ва тегишли суд ҳақида бошқа органлардан ижро ҳужжатларини олишда давлат божи таътил-ланган овоз қилинади. Агар тарафлар судга қадар медиация жараёнида иштирок этган бўлса, аммо келишувга эриша олмаса, улар шу низо юзасидан судга даъво ариза киритишда тўлиқчи лозим бўлган давлат божининг 25 фоизи камайирилади. Шу билан бирга, никоҳдан ажратиш, алимент ундириш, мулкни бўлиш, воёга

Бунда суд жараёнида медиацияни қўллашга келишилган тақдирда тарафларга:

- биринчи инстанцияда қўрилайётган даврада медиатив келишувга эришилса — 100 фоиз;
- апелляция инстанциясида қўрилайётган даврада медиатив келишувга эришилса — 75 фоиз;
- кассация инстанциясида қўрилайётган даврада медиатив келишувга эришилса — 50 фоиз давлат божидан озод қилиниши;
- мулкчи низо билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича тарафлар қисман келишувга эришган тақдирда келишувга эришилган қисми бўйича тўланган давлат божи қайтарилиши;
- медиатив келишувни тасдиқлаш ва ижро ҳужжати бериш ҳақидаги ариза 10 кўндан ортиқ бўлмаган қисқартирилган муддатда суд томонидан қўриб чиқилиши;
- ҳар қандай босқичда тузилган медиатив келишув тарафлар томонидан ихтиёрий тарзда бажарилмаса, мазкур келишув манфаатдор тарафнинг аризасига асосан, тегишли суд тартибида тасдиқлангани ва мажбурий ижрога қаратилиши назарда тутилди.

Яна бир таклиф шундан иборатки, профессионал медиаторлар корпусини шакллантириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан оилавий низо-лар ҳал қилишга мўлжалланган махсус ўқув курсини ишлаб чиқиш ва амалиёт жорий қилиш масаласи. Буларнинг барчаси медиация институти фаолиятини самарали йўлга қўйиш, медиаторлар тизимини мукамал ташкил этиш, оилавий низоларни ҳал қилиш имконини беради.

Насиба АБДУРАҲМОМОВА, Судьялар олий мактаби мустақил тадқиқотчиси.



Таҳлил

Мумтоз адабиёт вакиллари Самарқандни "Жаннати маъво деган боғи Самарқанд эмиш, Кавсари аъло деган оби Самарқанд эмиш" ёки "Самарқанд сайқали рўйи замин аст" деб бежиз таъриф қилишмаган.

2019 йил май ойида бўлиб ўтган Осиё цивилизациялараро мулоқотга оид конференция доирасида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Раиси Си Цзиньпин: "Дунёнинг кўп шаҳарларида бўлганман, лекин мени энг хайратга солгани Самарқанд бўлди", деб эътироф қилган эди. Бу эътироф негизда ниҳоятда катта илмий тажрибага ва улкан тарихга қатъий асосланган теран ҳақиқат бор.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АСЛ ҲАҚИДА ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

ХХР Раиси турли тамаддуларнинг инсоният раванқига қўшган ҳиссасига тўхталар экан, дунёнинг кўплаб шаҳарларида бўлгани, моддий ёдгорликлари билан танишгани ва уларнинг улкан тарихий меросидан завқланганини сўзлаётган, бундай жойлар орасида, биринчи навбатда, Самарқанд шаҳридаги "Регистон" ансамблини қайд этган ва Хитойнинг Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик йўналишидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилган эди.

Конфуций фалсафий таълимотига ўхшаш қарашлар, Чин халқлари ва адабиёти ҳақидаги тушунчаларнинг "қаймоғи" Самарқандда йиғилди. Мирзо Улуғбек мадрасасида инсон ва жамият, эстетик тарбияга оид ўқитилган дарсларда Конфуций фалсафаси ҳам ўз аксини топди.

Академик Ботирхон Валихўжаев Алишер Навоийнинг Самарқандда олган таҳсил даврига оид: "Алишер Навоий Фазлulloҳ Абуллайсий хонадонининг сеvimли фарзанди сифатида бу машҳур олим мадрасасида фикр ва таълим, тилшунослик ва адабиётшунослик қоида-қонунларини чуқур ўрганди. Улуғбек мадрасасининг мударрислари мавлоно Аълои Шоший, мавлоно Олим Самарқандидан таълим олди. Самарқанднинг ўша даврлардаги бошқа мадрасалари — Фирӯзшоҳ мадрасаси, Аҳмад Хожибек мадрасаси, Бибихоним мадрасаси, мадрасаси Сафиди олим ва илм тоиллари билан яқин алоқада бўлди, Улуғбек қудирини ҳам машҳур расадхонани кўрди, фалакиёт илми соҳасида кўлга киритилган эди.

лар Самарқанд давлат университетида жадал суръатларда давом эттирилмоқда. 2019 йили СамДУ халқаро таълим факультети биносининг иккинчи қаватида Хитой маданият ва таълим маркази очилди. Жорий йилда хитой — ўзбек ва бошқа қўшни халқлар маданияти билан боғлиқ масалаларни ўрганмоқ, илм ҳамда таълимга жорий қилмоқ учун университетда Буюк Ипак йўли халқлари маданияти ва адабиёти илмий-тадқиқот маркази ўз ишини бошлади. Илмий марказга нафақат юртимиз, балки таниқли чет эл хитойшунос олим ҳамда тадқиқотчилари жалб қилинмоқда. Режага мувофиқ, шу йили "Буюк Ипак йўли халқлари маданияти", "Хитой адабиёти тарихи", "Хитой фалсафаси ва бинокорлик ма-

аслида эрамиздан олдинги II асрларда яшаган Хитой императори У-диннинг айнан қўхна Ўзбекистон ҳудудидаги (Давань) самовий отларни қўлга киритмоқ мақсадида юртимизга юборган экспедицияси сабаб очилганлигини, бу йўл орқали самарқандлик роҳиблар Хитойга буддавийлик таълимотини олиб борганлиги ва бунга мувофиқ тарзда чинлик олимларнинг Самарқанд, Термиз каби шаҳарларга келиб таълим олганлигини унутмасликлари зарур.

Ҳақиқат ҳам билиш керакки, Буюк Ипак йўли қайси ҳудудлардан ўтган бўлса, ўша ерда илм-маърифат янги-ча йўсида ривожланди. Кўплаб ёзма манбалар яратилди, шаҳарсозлик кенг авж олди. Қисқача айтганда, Буюк



нарсонийлик осориатқалари билан Ўрта Осиёда тенгсиз бўлиб турган Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Қолаверса, бундай трансконтинентал йўл шаҳар ёки улкан равоти йўқ жойдан ўтмайди, ҳеч бир аклирасо киши ўзининг моддий-маънавий товарларини ўз ихтиёри билан ҳалокатга олиб борувчи, одамлар яшамайдиган, қаровсиз ва ҳавфли йўллардан тавақал қилиб олиб юрмайди.

Буюк Ипак йўлининг асл ўзани, албатта, тикланажак, бунга шубҳа йўқ, бу тарихий заруратдир. Президент Шавкат Мирзиёев Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Халқимизда "Оққан дарё — оқаверди", деган хикматли гап бор. Буни бугунги мураккаб вазиятда амалга ошираётган улкан ишларимиз исботлаб турибди", деган эди. Бу қароматли хикмат Буюк Ипак йўлининг ўтмиши ҳамда келажакга, унинг яна қайта, қайноқ ва қатқок бир тарзда ҳаракатга тушишига ҳам алоқадордир.

Ўз бошидан бир неча тамаддуларни ўтказган, Хитой раҳбари Си Цзиньпин каби давримизнинг улғур арбоблари эътирофига сазовор бўлган улкан маданий бойликларга ва тенгсиз маърифий-илмий салоҳиятга эга бўлган халқимиз янги Ренессанс оstonасида турибди. Яқин келажакда улкан иқтисодий ҳамда маданий ўсиш суръатларига сабаб бўладиган, дунё ҳамжамиятида қатъий ва муносиб ўрнимизни белгилаб берадиган бундай Ренессансга унинг ташаббускор бўлган Президентимиз раҳбарлигида инша Аллоҳ эришамиз. Бунда Хитой ва бошқа қўшни мамлакатлар билан бўладиган иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар ҳам, албатта, ўз сўзини айтади.

Рустам ХОЛМУРАДОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРГАН ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ УЧУН БЕПУЛ САЁХАТ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, шунингдек, хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш, ҳаёти фаровонлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада бугунги кунда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, тақдир тақозоси билан қийин аҳволга тушиб қолган аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ғамхўрлик

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси раси мутасаддиликда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда тегишли масул ташкилотлар раҳбарларидан иборат аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларга ижтимоий кўмак бериш бўйича республика ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож, билим ҳамда касб

буларда барча шароитга эга "Хоразм палас" меҳмонхонасига жойлаштирилди.

Шундан сўнг сайёҳлар Хива шаҳридаги очик осмон остидаги музей номи билан машҳур "Ичан қалъа" мажмуасига ташриф буюришди. Бу тарихий масканда улар "Кўхна арк", 1000 йиллик тарихга эга бўлган Жума масжиди, Оқ Шайх бобо тепалиги, Паҳлавон Маҳмуд зияратгоҳи, "Тошқовли" саройи, Қозихона ва Маориф музейини томоша қилиб, маъруз тарихий обидлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдлар.



Саёҳатнинг иккинчи кунини Нияз Муҳаммад Охунбобо жоме масжиди ва Жалолиддин Мангуберди мажмуасида бўлиб, шонли тарихимизга оид маълумотлар билан танишдилар. "Ули ҳовли"га саёҳат ҳам мазмунли бўлди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати раҳбари.

Интилиш

ТАХИАТОШНИНГ «ЎСИШ НУҚТАСИ»



Аҳолига сифатли сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, бандликни таъминлаш мақсадида Тахياتош туманида ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти.

Айниқса, замонавий иссиқхоналарда сабзавот етиштириш халқимизни янги ва сервитами маҳсулотлар билан таъминлаш имконини берапти. Маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдирляпти, балки чет давлатларга экспорт қилиш учун ҳам мўлжаллангани эътиборлидир.

Масалан, яқинда "Найман Агро теплица" масъуляти чекланган жамияти 30 тонна помидорни Россияга экспорт қилди. Ваҳоланки, мамлакатимиз шимолда — Қорақалпоғистонда бундан 20 — 30 йил илгари қишда маҳсулот етиштириб, ички бозорга чиқаришнинг ўзи мўъжиза ҳисобланган.

Масалан, яқинда "Найман Агро теплица" масъуляти чекланган жамияти 30 тонна помидорни Россияга экспорт қилди. Ваҳоланки, мамлакатимиз шимолда — Қорақалпоғистонда бундан 20 — 30 йил илгари қишда маҳсулот етиштириб, ички бозорга чиқаришнинг ўзи мўъжиза ҳисобланган.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»)

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ (БЎШ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- 1. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент;
2. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: доцент, ассистент;
3. Машинашунослик ва сервис хизмати кафедраси: ассистент;
4. Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси: кафедра мудирини, ассистент;
5. Ижтимоий фанлар кафедраси: кафедра мудирини, катта ўқитувчи, ассистент;
6. Тўқима матолари технологияси кафедраси: профессор, доцент;
7. Йиғириш технологияси кафедраси: ассистент;
8. Ипак технологияси кафедраси: доцент;
9. Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси: катта ўқитувчи;
10. Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: профессор, ассистент;
11. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент;
12. Костюм дизайни кафедраси: профессор, ассистент;
13. Кимёвий технология кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
14. Физика ва электротехника кафедраси: ассистент;
15. Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи;
16. Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент;
17. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: катта ўқитувчи;
18. Корпоратив бошқарув кафедраси: доцент;
19. Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси: доцент.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

ЭСЛАТМА: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтказади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона. Телефон: 71-253-17-78.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code for the newspaper's website.